



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
бўёқ
давлат

Вазирлар Маҳкамаси комплекси мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) масалалари комплексининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилнинг биринчи чорагида тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама этилди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари А.Орипов бошқарди.

Мажлисда таъкидландики, ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ амалга оширилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхоналари 2004 йил биринчи чорагида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат муҳитини яратиш, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар ҳамини ошириш ва турини кўпайтириш бўйича ишларни давом эттирди.

2004 йил биринчи чораги натижаларига кўра, хизматлар кўрсатиш ҳамининг ўсиши 146 фоизни, хизматлар экспорти — 152 фоизни ташкил этди. Мобил алоқа ҳам жадал суръатда ривожланмоқда. Уяли алоқа мижозлари сони йил бошига келиб 360,4 мингга ёки 111,4 фоизга өтди. Биринчи чораги нвестиция дастури юз фоиз бажарилди.

Юзага келатган рақобат муҳити Интернет хизматлари операторлари ва провайдерлари сонини анча ошириш имконини бермоқда. Бунинг натижасида бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони ўсмоқда. Бугунги кунда фойдаланувчилар сони йил бошига келиб деярли 19 мингга кўпайди ва 511 мингдан ортиқни ташкил этади. "uz" худудда рўйхатга олинган веб-сайтлари сони 2600 тага өтди. Шу билан бирга мажлисда қилинган ишларга танқидий баҳо берилди, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳар томонлама муҳокама этилди, уларни барқарорлаштириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.



Иш қуролинг сөз бўлса...

Халқимизда «Иш қуролинг сөз бўлса, машаққатинг өз бўлур» деган аjoyиб мақол бор. Бунга амал қилган Ангор тумани деҳқонлари галла ўрим-йиғими мавсумига ҳозирдан тайёргарликни бошлаб юбордилар. Айниқса, бу ишга «Ангор машина-трактор парки» ҳиссасдорлик жамиятида пухта тайёргарлик кўрилди. Барча техника воситалари шай ҳолга келтирилди. Туманда айни пайтда 5600 гектар майдонда галла парвариши қилинмоқда. Баравж ривожланган галлалар бошқоқлай бошлади.

СУРАТДА: оператор Бахтиёр Абраев; комбайнлар мавсумга тахт қилиб кўйилди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Импортуга ҳожамат йўқ

Кеча Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Чорва моллари ва паррандаларни озиклантиришдаги долзарб муаммолар» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Россия Федерациясининг «Ниигипрхимнаука», Бельгиянинг «Ниве» фирмалари вакиллари, вазирлик мутахассислари республикамиздаги йирик чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларини раҳбарла-

ри, шунингдек, Тошкент аграр университети ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари иштирок этишди. Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Лекин кейинги пайтда чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликда фойдаланиладиган омукта етмасаласида баъзи муаммолар вужудга келди. Сифатли ва тўйимли омук-

та ем тайёрлашда керак бўладиган зарур компонентлар шу кунгача хориждан олиб келинар ва бунинг учун катта миқдорда валюта сарфлар нар эди. Яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Россия ва Бельгиядаги фирмалар билан ҳамкорликда ана шундай компонентларни республикамизда тайёрлашга киришди.

Қўқун суперфосфат заводига 5 миллион АҚШ

доллари миқдоридики хориж сармоясига жалб қилиниб, омукта емнинг таркибига қўшилган компонентлар ишлаб чиқаришга киришилди. Ҳозир бу ерда тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб корхонада омукта емнинг таркибини бойитиладиган премикс ва фосфатли қўшимчалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳосия КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таълимдаги ҳамкорлик

Тошкент (ЎЗА мухбири Х.СОДИҚОВА). Мухаммад Юнус Қонуний бошчилигидаги Афғонистон Таълим вазирлиги делегацияси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Р.Жўраев билан учрашди. Таъкидландики, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-ни амалга ошириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун мамлакатимизда зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва моливий

шароитлар яратилган. Умумтаълим муассасалари моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ускуналари ва қуроллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мухаммад Юнус Қонунийнинг илтимосига кўра Афғонистон болалари учун ўзбек тили дарсликларини ҳамда «Одобнома» ва «Ватан туйғуси» фанлари бўйича китоблар берилди.

Маълумки республикамизнинг йирик шаҳарларида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ярмаркаси ташкил этилаётир.

Қаршида савдо ярмаркаси

Бундай тадбирлар истеъмол бозорини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирибгина қолмай, аҳолига ҳам бир қатор қулайликлар яратарди.

Кўни кеча Қарши шаҳрида озик-овқат маҳсулотлари савдо-ярмаркаси ташкил этилди. Унда вилоятдаги «Нур», «Қаршинон», «Дунё-М» сингари бир қатор корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилди.

Республика мол-хомашё биржасининг вилоят бўлими тадбир ташкилотчилари бўлишди.

ЎЗ мухбиримиз.

Украина пойтахтида рўйхатдан ўтган Киев вилоят «Ўзбекистон» маданият жамиятининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Киевда «Ўзбекистон» жамияти

Унда ҳуқуқат вакиллари, ишбилармон доиралар, мамлакат ОАВ ходимлари ва ўзбек диаспораси фаоллари иштирок этишди.

Киев шаҳри ва пойтахт вилоятида ашовчи ўзбек диаспораси вакиллари «Ўзбекистон» жамияти таъсисчилари-дир. Жамиятнинг асосий мақсади ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ривожлантириш ва ёйиш, савдо-иқтисодий алоқалар тараққиётига қўмақ кўрсатиш ҳамда яқинда ўзбек мактабларини ташкил этишдан иборат.

«Жаҳон» АА.

Болтиқ соҳилидаги ишончли шерик

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикаси Президенти Вайра Вие-Фрейберг тақдирот билан шу мамлакатта давлат таширфи бошланади.

Давлатимиз раҳбари Латвияга иккинчи марта таширфини амалга ошираётган бўлса-да, Латвия томони унга бу гал ҳам халқаро протокол доирасида кам умрайдиган давлат мақомини бермоқда. Дипломатик таширфа бундай ҳолатларни юксак меҳмон ва у раҳбарлик қилаётган давлатга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром далили сифатида таърифлайди.

Таширф арафасида

1992 йилда расмий равишда ўрнатилган Ўзбекистон ва Латвия муносабатлари ўзаро манфаатли ва муттасил ривожланаётган ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Турли даражадаги доимий сиёсий мулоқотлар, халқаро ташкилотлардаги иччил муштарак саяё-ҳаракатлар икки давлат томонидан салмоқли савдо-иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик асоси билан қувватланади.

Мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари ўзаро манфаатли ва муттасил ривожланаётган ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Турли даражадаги доимий сиёсий мулоқотлар, халқаро ташкилотлардаги иччил муштарак саяё-ҳаракатлар икки давлат томонидан салмоқли савдо-иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик асоси билан қувватланади.

Мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари ўзаро манфаатли ва муттасил ривожланаётган ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Турли даражадаги доимий сиёсий мулоқотлар, халқаро ташкилотлардаги иччил муштарак саяё-ҳаракатлар икки давлат томонидан салмоқли савдо-иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик асоси билан қувватланади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА.

этиборга олган ҳолда яратишни талаб этади. Таъкидлаш жоизки, бугун Ўзбекистон экспорт юқларининг тўртдан бир қисмига яқини Латвия йўналишида жўнатилмоқда. Ўз навбатида Латвия ҳам Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа мамлакатлари бозорларидаги иштирокини кенгайтиришдан манфаатдор.

Бугун Латвия 32 компаниясининг асосий капиталига

Ўзбек сармояларининг ҳажми бир миллион долларга яқин маблағни ташкил қилаётди. Ўзбекистонда эса латвиялик сармоядорлар иштирокида 17та корхона фаолият юрифтапти. Утган йили Самарқанд вилоятида юз фоиз Латвия капитални асосида бунёд этилган ва куруқ мева тайёрлашга иқтисослашган «Самрин Трейд» корхонаси фойдаланишга топширилди. «Лайма» қандолатчилик компанияси билан Тошкентда карамель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида битим имзоланди. Ҳозир Ўзбекистонда Латвия сармоядорлари ва мутахассислари иштирокида қурилш материаллари ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган юксак технологияларни яратиш бўйича масалалар ўрганиб чиқилаётти.

Ўзбекистон Президенти сафарини доирасида муҳим воқеа бўлиб ўтиши кўтилмоқда. Латвия пойтахтининг марказида буюқ ўзбек мутафаккири ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек хайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Бу атоқли бобокалонимизнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссасига ҳурмат белгиси ва латвияликларнинг дунё халқлари билан теги ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш ва мулоқотда бўлишга интилишдан далолат беради.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА.

Генофонд — миллатимиз бойлиги

Кейинги йилларда Оролбўйи худудидаги экологик вазиятни юмшатишга, аҳоли турмушини яхшилашга йўналтирилган бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйининг генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борада янги босқични бошлаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Мариш ТУРИМБЕТОВА бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

Қарорни ўқиб

— Мухтарам Ортбошимиз Оролбўйи заминига, хусусан Мўйноққа республика раҳбари сифатида илк бор қадам қўйган 1989 йил билан орадан ўн беш йил ўтган бугунги кун ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Ушанда худудимизда ўта хатарли санитария-эпидемиология вазияти вужудга келган, бир неча юқумли хасталиклар тарқалиш хавфи пайдо бўлган эди. «Аргамчиға қил қуват» дейдилар. Ўтган 15 йил давомида халқаро ташкилот ва муассасалар, шу жумладан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси худудда сезиларли ишларни амалга оширди. Аммо Оролбўйидаги вазият, соғлиқни сақлаш тизими ҳуқуқатимизнинг доимий эътибори натижасида ўнганди. Бунга мен кўплаб мисолларни келтиришим мум-

кин. Айни чоғда Оролбўйининг генофондини муҳофаза қилишга қаратилган кенг миқёсли ишларнинг бошланаётгани ҳаммамизни қувонтирмоқда. Зеро, гап дунёга Хоразмий, Беруний, Замахшарий, Боқирғоний, Бердақ каби даҳоларни берган юртининг генофонди тўғрисида кетмоқда. Қорақалпоғистондан етишиб чиққан академик Мухтор Саидовнинг физика соҳасидаги кашфиётлари жаҳоннинг энг пешқадам мамлакатларида тан олинаётгани, операмиз юлдузи Мўяссар Раззоқованинг жаҳон сахналарини забт этаётгани бу генофонднинг бақувват илдизга эга эканлигидан далолат беради.

Янгидан ташкил этилаётган жамғарма биринчи навбатда худудимиз аҳолисининг соғлиқни мустаҳкамлашни назарда тутайди. Қайд қилиш керакки, амалга оширилган иччил ишлар натижасида Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш тизими мисли қурилган миқёсда яхшиланимоқда. Ўнлаб янги соғлиқни сақлаш муассасалари, замонавий қишлоқ врачлик масканлари фойдаланишга топширилди. Жамғарма бу ишларга янги нафас бахш этиб, миллиятимиз генофондини муҳофаза қилишга салмоқли улуш қўшишга шубҳа йўқ!

К. ЯНГИБОЙ ёзиб олди.

Зилзила маркази — Ҳиндикуш тоғларида

2004 йил 6 апрель маҳаллий вақт билан соат 2 дан 25 дақиқа ўтганда «Тошкент» марказий сейсмик станциясида ер силкинши қайд этилди. Зилзиланинг маркази Тошкентдан 530 километр узоқликда, жануб-шарқий йўналишида Афғонистон худудида Ҳиндикуш тоғларида жойлашган.

«Тошкент» марказий сейсмик станциясининг маълумотларига кўра, Термизда 3,5-4 балл, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Тошкентда 3 балл ер силкинши қайд этилди. Жабрланганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Шухрат ЖАББОРОВ.



Ўзингдан қўямасин, халқим!

Аjoyиб халқимиз бор-да. Меҳнаткаш, баррикенг, танти ва ориятли. Ҳаммадан ҳам муҳими — эзгу ниятли. Эрта тонгда туриб, Яратгандан пок ният-ла юртига, маҳалласига, хонадонига тинчлик-омонлик сўрайди. Шукрона айтиб, қулиқ режасини белгилаганда қандай савобли иш қилсам, кимнинг ҳожатини чиқарсам экан, деган ўй-хаёлни кўнглидан кечиради. Фақат ва фақат ахшиликни кўзлайди.

Дуо билан эл кўқарар


Бундай одамлар билан расмий хизмат хоналарида эмас, балки оддий кўрпачада чордона қуриб бир пиёла чай устида дилкаш суҳбат курсангиз, яраб кетасиз. Ён-атрофда, Ер юзиде бўлаётган воқеалар уларнинг нигоҳида, жайдари фалсафаларида янаям жозибадор шарҳланади. Кўни кеча шундай мароқли мулоқотлардан бирига Сирдарё вилоятининг Бобёвут туманида гувоҳ бўлдим. Хамсуҳбатларимизнинг асосий қисми Бобёвут пахта тозалаш заводи ишчилари эди. — Қишлоғимизда ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракати эл назариде, — дейди корхонада қирқ йилдан ортиқроқ вақтдан буён ишлаб келатган

Курбон ака Султонов. — Шу ерда суйғимиз қотиб, касбимиздан барака топдик. Мустақилликка бир йил тўлганда Тошкент тўқимачилик ва өнгил саноат институтини битирган Абдуҳамид Аҳмедов оддий чилангар бўлиб иш бошлаганди. Ўн икки йил ичиде заводдаги барча погоналарни бирма-бир босиб ўтди. Мана, бугун шу йигит корхонамизга раҳбарлик қилапти. Шундай даражага тиришқоқлиги, эл-юрт дуоси туйфайли эришди. — Эл-юрт дуоси. Бу сўзининг замирида қанчалар маъно мужассам. Корхона раҳбарлари Наврўз кунларида ёши улўқ ота-онани наоналарни байрам дастурхонига чорлаганида, баъзиларнинг хо-

надонларига бориб соға-салом топширганларида нурунийлар қанчадан-қанча дуо қилишди. Гап фақат ҳаёда эмас, уларга кўрсатилган эътибордан кўнглилари кўтарилиди. Бугунги раҳбарларга, бутун мамлакатта меҳр ва мурувватни дилига солган Ортбошимизнинг омонлигини сўраб, юзларига фотиҳа тортишди. Айтинг, шундай халқнинг тинчини бузиш учун қанчалар тубан ва ёвуз бўлиш мумкин?! — Корхонамиз ишлари билан танишиб кўринг, — тақлиф қилди завод бош муҳандиси Қодир Исломо. — Ҳеч кимдан кам бўлмасликка интиляпмиз. Маълум бўлишча, бу ерга 1-«Бобёвут» ширкатлар уюшмасидаги фер-

мерлар, «Галаба», «Деҳқонобод», Усмон Юсупов номли ва 3-«Бобёвут» хўжалиқларининг пахтакорлари хомашё топширишар экан. Охири мавсумда 14899 тонна пахта қабул қилинган. Утган йили корхонадаги ускуналар тубдан реконструкцияланди. Натижада тола ажратиш икки хисса тезлашиши хисобига сарф-харажатлар қисқарган, меҳнат унумдорлиги ошган. Бизга заводдаги ислохотларга оид баъзи рақамларни айтиб беришди. Кўйилган вазифага кўра, 5 та нав бўйича тола чиқиши ўртача 31,7 фоиз бўлиши керак. Амалда бу кўрсаткич 32,1 фоизни ташкил этапти. Ходимларнинг унумли ишлашлари учун зарур

Олий Мажлис XIV сессияси олдидан



Иккинчи чақирғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси кун тартибига «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам (иккинчи ўқишда) киритилмоқда.

Фуқаролар иштироқи фаоллашади

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқимиз менталитетини ўзида мужассам этган маҳалла институтининг нуфузини ошириш борасидаги жараённинг бир бўлаги ҳисобланади.

Бу, энг аввало, лойиҳанинг 17-моддасига тегишли деб ҳисоблаймиз. Унда шундай дейилган: «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади».


Тахассислари томонидан такомиллаштирилиши зарурга ўхшайди. Фикри-мизнинг далили сифатида эътиборингизни лойиҳанинг 24-моддасига қаратамиз: «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига номзод сайланган ҳисобланади».

Маҳсулот — экспортга

Ўтган мавсумда «Пешку пахта тазалаш заводи» очик акциядорлик жамияти 35,4 минг тонна хомашё қабул қилиб олган эди, — дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири А. Қудратов.

Айни пайтда шундан 24 минг тонна пахта қайта ишланиб пешма-пеш хорижга жўнатилмоқда. Хитой, Австралия, Сингапур ва

Жанубий Корея сингари мамлакатлар саноатчилари корхонанинг асосий истеъмолчилари ҳисобланишади.



Сўнгги йилларда Наманган туманидаги паррандачиликка ихтисослашган «Уммон СБК» масъулияти чекланган жамияти вилоятдаги илгор жамоалар каторидан ўрин эгаллади. Сабаби, корхонада меҳнат қилиши ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилган.

да фойда киритиш. Шу боис ҳам паррандалар бош сонини 25 мингдан 50 мингга етказмоқчимиз, — дейди жамият раҳбари Собитхон Камолов. — Шунда кунига 40 минг дона тухум етказиб бериш имконияти туғилади.

РАСМИЙ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАН РЕАЛ ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 6 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатини қуйидаги қийматини белгилади:

Table with exchange rates for various countries: Australia (746.40), England (1813.66), Denmark (162.51), USA (272.66), AKSH (1001.47), Euro (161.66), Israel (13.88), Canada (759.32), Hong Kong (121.00), Malaysia (263.55), Poland (257.45), SDR (1475.58), Turkey (0.76), Switzerland (777.84), Euro (1210.18), South Korea (8.67), Japan (94.86), Russia (35.15), Ukraine (187.92).

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий тўловлари учун қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олган.

Қашқадарёда капитал қурилиш соҳасида илҳом қандай бормоқда? Хусусийлаштириш расмий, яъни номигагина бўлганми ёки реал хусусийлаштириш сари амалий кадамлар қўйилганми? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги «Капитал қурилишида хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 395-сонли қарори талаблари қандай бажарилмоқда?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Бу саволларга жавоб беришдан аввал вилоят ҳокими Нуриддин Зайниевнинг 2002 йил якуни ва 2003 йилдаги асосий вазифаларга бажарилган фаоллар йиғилишидаги маърузасидан қуйидаги иқтисодий келтириб ўтмоқчимиз: «Пудрат ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани туғайли тармоқ корхоналарининг катта миқдордаги акциялари жойлаштирилган. Масалан, «Қаршиирмонтаж» ҳиссадорлик жамиятининг 19,2 миллион сўмлик, «Қаршианавотуёж»нинг 23,5 миллион сўмлик, «Қашқадарёсувқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 62,2 миллион сўмлик акциялари ҳаракатсиз турибди.

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

Қашқадарё вилоятида қачон ўтилади? нида ана шу айтилган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқарилганми? Бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бердими?

ҲУҚУҚШУНОС маслаҳати

Саволларга Давлат солиқ қўмитаси йирик, ўрта ва кичик корхоналар даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Шухрат АБДУЛЛАЕВ жавоб беради.

— Узоқ йил савдода ишладим. Ҳозир нафақадан. Ўғлим тadbиркор. Мени жорий йилда кичик бизнесни солиққа тортишда қандай янгиликлар борлиги қизиқтиради.

Абдулла ПЎЛАТОВ. Тошкент шаҳри.

— Кичик тadbиркорликни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш учун янада қулай шароит яратиш мақсадига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2003 йил 30 августда 3305-сонли Фармони қабул қилинди.

Унга асосан кичик тadbиркорлик субъектлари тоифасига ўзгартириш киритилган бўлиб, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, ўрта корхоналар ҳам кичик корхоналар каби имтиёзга эга бўлгани ҳолда соддалаштирилган солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўлди.

— Ҳозир нима кўп, кичик корхона кўп. Де-моқчиманки, ким нима очса, кичик корхона ҳисобланадими ёки унинг ҳам қонун билан тартибга солинган меъёрлари борми?

Қурбон ТОҒАЕВ. Қашқадарё вилояти.

— Албатта бор. Хусусан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металл ишлаб бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель ва қурилиш материаллари саноатида 100 киши, машинасозлик, металлургия, ёқилги-энергетика ва кичик саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари еттиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида 50 киши, фан-ишлий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (сугурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда 25 нафар киши ишласа, бу корхоналар кичик корхона тоифасига кирди.

— Биз солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланувчи корхоналар рўйхатида тураемиз. Мен ўз маҳсулотларимизни экспорт қилиш учун қандай имтиёزلарга эга эканлигимиз ҳақида маълумот ололмоқчи эдим.

Мурод ҚОСИМОВ. Сурхондарё вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги 3376-сонли Фармони асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўшимча рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2613-сонли Фармони»га ўзгартиришлар киритилди. Мазкур Фармонга кўра жорий йилдан бошлаб, ягона солиқ тўлови бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ўзи ишлаб чиқарган жами маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмида экспорт қилиш 15 дан 30 фоизгача бўлса, амалдаги солиқ ставкаси 30 фоизга, экспорт қилиш 30 ва undan ortiq фойзи ташкил қилса, амалдаги солиқ ставкаси икки баравар пасайтирилиши белгиланган.

Бу эса, ўз навбатида, микрофирмалар ва кичик корхоналарни экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи омил ҳисобланиб, эркин муомаладаги валюта маблағларини республикага жалб қилган ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

— Корхонамизда маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шундай бўлса ҳам солиққа тортишда бизга енгиллик борми?

Рўзхол ШОМИРЗАЕВА. Тошкент вилояти.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарорига асосан 2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё неғизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи бўмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ушбу қарорга биноан 100 дан зиёд корхона жорий йилнинг 1 январидан бошлаб 5 йил муддатга маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларига мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бўйича даромад(фойда) солиғи, солиққа тортишни соддалаштирилган тартибини қўлловчилар ягона солиқ ҳамда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинди.

Қурбон ЭШМАТОВ тайёрлади.

Газетада босилмади, аммо...

Далиллар тасдиқланди

Боёвот туманилик С.Қаршибоев тахририятимизга шикоят хати йўллаб, машина сотиб олиш ниятида йиғган пулини фирибгарлар алдо билан олиб қўйгани, эндиликда ўз жамғармасини ололмаётгани хусусида ёзди. Мазкур хат юзасидан Жиззах



Р.Маматқуловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, ҳозир бир неча ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Камчиликлар бартараф этилди

Навбахор тумани «Ижанд» ширкат хўжалигида истикомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг тахририятимизга йўллаган шикоят хатида ҳудудда табиий газ қувурлари ўтказилмагани, дўконларнинг сақиз турли маҳсулотлар билан таъминланишидаги камчиликлар, нафақа ва иш ҳақлари вақтида берилмаслиги ҳақида баён қилинган. Мазкур хат юзасидан Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари С.ЛАТИПОВ имзоси билан келган расмий жавобда таъкидланишича, вилоят раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишларда мутаассадди ҳодимлар йўл қўйган камчиликлар тўғрисида оғоҳлантирилиб, уларга топшириқлар берилган.

Бугунги кунда ширкат хўжалиги дўкони қандалик эҳтиёт моллари билан тўлиқ таъминланиб, назоратга олинган. Нафақалар ва иш ҳақлари ўз вақтида тўлиқ бериб боришмоқда. Табиий газ билан таъминлаш даражаси бироз муаммо эканлиги тўғрисида хозирги кунда аҳолига суълтирилган газ етказиб беришмоқда.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

7 апрель — Жаҳон Саломатлик куни



Берунийда тез тиббий ёрдам маркази ташкил этилган, туман ахлининг жони оро топди. Шошилиш ёрдамнинг сифатли экани, тиббий ходимларнинг хушмуомалалиги эл оғзига тушди. Бу борада, айниқса, марказнинг бўлим мудир, тиббиёт фанлари номзоди, халқ таъбири билан айтганда, қўли енгил жарроҳ Бозорбой ака Урозалиевнинг хизматлари салмоқлидир, десак муболага қилмаган бўламиз. Бугун туман шифонасида меҳнат қилаётган ҳақимларнинг кўпчилиги у кишининг шоғирди эканликлари билан фахрланишади.

СУРАТДА: Мохир жарроҳ Бозорбой Урозалиев шоғирди, жарроҳ Азамат Пўримов билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Йўллардаги хавфсизлик — ҳаммага боғлиқ

Маълумки, 1946 йил бир қанча илгор давлатларнинг ташаббуси билан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ташкил этилган эди. Мана шундан бери 7 апрель — Жаҳон Саломатлик куни сифатида нишонланади. Бу кун соғлиқни сақлашнинг энг долзарб муаммолари кун тартиби сифатида қабул қилиниб, дунё жамоатчилиги ҳаракат дастурини шу бўйича тадбирлар ўтказишга, масалани омма ўртасида кенг тарғиб ва таъшиқ қилишга ҳаракат қилади.

Бу йилги Саломатлик кунини "Йўллардаги хавфсизлик биз — ҳаммамизга боғлиқ" шiori остида ўтказиш таклифи қилинган. Бунинг сабаби шундаки, йўл транспорт ҳодисалари туфайли содир бўлаётган жароҳатланмишлар йилдан-йилга кўпайиб, кишилар ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф соляпти.

Маълумотларга қараганда, ер юзида ҳар кун 140 минг киши йўлларда содир бўладиган автоҳалокатларга учраётган экан. Шулардан 30 минг дан кўпроги ҳаётдан кўз юмади ва 15 минг га яқини ҳаётининг охириги дамларигача ногирон бўлиб қоларкан.

Албатта, автоҳалокатга учраган, жароҳатланганларнинг оиласи маълум маънода иқтисодий қийин аҳволга тушиши табиий. Шуларни инобатга олиб, Саломатлик кунини ўтказиш учун Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Саломатлик институти ва унинг жойлардаги худудий филиаллари, Республика йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, Республика Давлат санитария-эпидемиология на-

зорати маркази, халқ таълими муассасалари, махсус тадбирлар режаси белгилаб олишган.

Бундан ташқари республикамизнинг барча мактабларида шу кун саломатлик дарслари ўтказилади. Унда ўқувчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги ва бу билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда эҳтиёткорлик чоралари тўғрисида маълумотлар берилади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги" шioriнинг моҳиятини ҳар бир фуқаро чуқур англаб, ўз ҳаёти, турмушида унга амал қилса, фойдадан холи бўлмасди. Қолаверса, Жаҳон Саломатлик кунини муносабати билан ўртага ташланган бу шiori бир кунлик иш бўлмай, балки бир умрлик дастуримиз бўлиб қолмоғи керак.

Нурриддин ТОШБОВ, шифокор.

ТОЖИБОЙ РИЗАЕВ



Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги оғир жудолука учради. Бешафқат ўлим моҳир ташкилотчи, дехқончилик илмининг билимдони, Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Заркент" ширкат ҳўжалигининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаевни орамиздан олиб кетди.

Тожибой Ризаев 1927 йилда пойтахт вилоятининг Паркент туманида туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 1942 йилда Юқори Чирчик туманида оддий дехқонликдан бошлади. Ер билан ишлаш, қишлоқда дехқончилик маданиятини юксалтириш борасида тажриба орттириб, етук мутахассисга айланган Т.Ризаев узоқ йиллар давомида турли лавозимларда билим ва иқтидорини намойён этиб, самарали меҳнат қилиб келди. 1960 йилдан бошлаб то умрининг охиригача, қарийб 44 йил мобайнида Паркент туманидаги "Заркент" ҳўжалиги раиси бўлиб ишлади.

зорлар бунёд этилди. Тожибой Ризаев табиятан камтар, ёшларга меҳрибон бўлиб, меҳнаткаш ўзбек дехқонининг ёрқин сиймосини ўзида акс эттирган инсон эди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қўшган самарали хиссаси учун фидойи соҳибкор "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими" унвони, "Дўстлик" ордени билан тақдирланган эди. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида Т.Ризаев давлатимиз ва халқимиз олдидаги гоят катта хизматлари, ислохотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнати учун "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган эди.

Мохир ташкилотчи, ажойиб раҳбар, самимий инсон Тожибой Ризаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЕВ, М.ЮСУПОВ, С.БЕГАЛИЕВ, К.ТўЛҒАНОВ, М.ИСМАТОВ, М.РЎЗАТОВ.

ТИББИЙ КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ҳар йили баҳор ва кузда она-Ватан ҳўмоясига шай ўғлонлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Йилнинг апрель-май ва октябрь-ноябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

налар билан таъминланган малакали шифокорлар тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Бектемир туманида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳомийлигида ана шундай чақирув тиббий комиссия пункти қад ростлади.

— Утган йилларда чақирилувчилар беш километр наридаги ту-

ман марказий поликлиникасида кўрикдан ўтарди, — дейди туман мудофаа ишлар бўлими бошлиги майор Савриддин Шарипов. — Давлатимизнинг чақирув комиссиялар фаолиятини яхшилашга қаратилган эйтибори боис мушқулимиз осонлашди. Янги пунктда барча шароит муҳайё этилган.

Холмурод САЛИМОВ, Ўза мухбири

YAMAHA мотоциклни ишлаб чиқарувчи корхона Ўзбекистон бўйича минтақавий дилерларни кидирмоқда.

Дилерлар куйидаги талабларга жавоб беришлари керак: 80 м² дан кам бўлмаган савдо-кўргазма майдони, 60 м² дан кам бўлмаган техник хизмат кўрсатиш станцияси. Мотоциклни сотиб олиш учун 6 миллион сўм миқдорда айланма капитал ва молиявий аҳволи яхши бўлиши керак. Корхона ХФ, МЧЖ ёки ХТ шаклида ташкил этилган бўлиши керак. Авто ва мототехникани сотиш соҳасида тажрибаси бўлиши керак. Биз билан куйидаги телефонлар орқали боғланиш мумкин:

Тел.: (998-90) 189-15-33. Факс: (998-71) 162-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz

Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 539-сонли «Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори чиқishi муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси юридик ва жисмоний шахсларга ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш ҳуқуқига лицензия бериши учун «Ўз стандарт» агентлиги томонидан ҳужжатларни тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 114-37-74, 114-37-02.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Қишлоқда спорт мажмуаси

Янгиқўрган туманидаги "Исковот" ширкат ҳўжалиги уруғчиликка ихтисослашган бўлиб, вилоятдаги иқтисоди бақувват ҳўжалиқлар сирасига кирди. Айни кунларда ҳўжалиқдаги Исковот қишлоқда спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиши бошланди. Тўрт гектар майдонда бунёд этилаётган ушбу мажмуада ёшлар спортининг барча турлари билан шугулланиш имкониятига эга бўлади.

Спорт комплекси мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Ўза мухбири.

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИГА

дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар диққатига!

Давлат тест марказида (Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 12-уй) эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2004 йил апрель ойининг куйидаги кунларида ўтказилади (катнашчиларни рўйхатга олиш Давлат тест маркази биносида соат 9.00дан 9.30гача).

Т/р	Таълим йўналишлари	Ўтказиладиган вақти
1.	Педагогика	21 апрель, соат 10.00
2.	Тиббиёт	23 апрель, соат 10.00
3.	Муҳандислик	28 апрель, соат 10.00
4.	Иқтисод	30 апрель, соат 10.00

Маълумот учун телефон: 134-46-83. Давлат тест маркази.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ КАФОЛАТЛАНГАН!

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳўмоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг икки йиллиги муносабати билан Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди 2004 йилнинг 5-9 апрель кунлари телефон орқали «БЕВОСИТА МУЛОҚОТ» ўтказди.

Сизни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олмақчи бўлсангиз (8-371) 138-69-45, 138-69-46 рақамли телефонларга кўнгирак қилинг.

Саволларингизга фонд мўтаҳассислари жавоб берадилар.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ 2004 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ ҲОЛАТИГА ФОНД БИЛАН ЁЗМА БИТИМ ТУЗГАН БАНКЛАР РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки.
3. "Замин" акциядорлик ипотека банки.
4. Ўзбекистон акциядорлик уй-жой жамғарма банки "Ўзуйжойжамғармабанк".
5. Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
6. Акциядорлик тижорат "Пахта банк".
7. Акциядорлик тижорат банки "Ғалла банк".
8. "Турон" акциядорлик тижорат банки.
9. "Тадбиркор" акциядорлик тижорат банки.
10. "Савдогар" савдо ва тижоратга кўмаклашувчи акциядорлик-тижорат банки.
11. "Алоқабанк" акциядорлик-тижорат банки.
12. "Трастбанк" акциядорлик биржа банки.
13. "Ипак йўли" акциядорлик инновация тижорат банки.
14. "Авиабанк" акциядорлик-тижорат банки.
15. "Ҳамкорбанк" акциядорлик-тижорат банки.
16. "Парвинабанк" хўсусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
17. "Алп Жамол Банк" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
18. "Туркистон" хўсусий очик акциядорлик-тижорат инвестиция банки.
19. "Давр-банк" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
20. "Истикбол банк" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
21. "Ўктамбанк" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
22. "Бизнес банк" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
23. "Самарқанд" хўсусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
24. "Универсал банк" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
25. "Капитал банк" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
26. "Равнак-банк" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
27. "Кредит-Стандарт" хўсусий очик акциядорлик-тижорат банки.
28. "ЎзДэу банк" Ўзбекистон-Корея кўшма банки.
29. Ўзбек-турк кўшма банки "ЎТ-банк".
30. "АБН АМРО Банк Ўзбекистон МБ, ҲЖ".
31. "Ўзприватбанк" приватизация ва инвестиция бўйича ўзбек халқаро банки.
32. Эрон "Содерот" банкнинг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўба банки.

Ёзма битим тузилиши муносабати билан аҳолининг юқоридаги банкларга кўйилган омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган ҳисобланади.

ESENYA КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:

- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибутери ва отқазиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жихозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисиларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни отқазиб берамиз.

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

ESENYA ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE

Bau- und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland

АВТОДРОМ

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Винлад Сделаем жизнь спокойнее!

ОБОРУДОВАНИЕ СИСТЕМ ТЕЛЕНАБЛЮДЕНИЯ


Panasonic SONY

PELCO J&S

Системы охраны периметра, теленаблюдение, контроль доступа, охранно-пожарное оборудование, аудио- и видеодомофоны, UPS, металлодетекторы и др. оборудование.

Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13, тел./факс (998 712) 120-66-01. e-mail: vinlad@sarkor.uz www.vinlad.com

Муқаддас сўзлар тасвири



арабий ёзувда мазкур сура-нинг маҳорат билан талқин этилганини ҳис қиласиз. Биз сура-ларни томоша қилиш мобайнида муаллифни суҳбатга тортганмиз.

— Жаноб Мамун, аввало, юртимизга хуш келибсиз!
— Ташаккур!

— Асарларингизнинг деярли барчасида Ислам дини гоёлари тасвирланганини кўриб, завқландик. Сиз нима учун айнан шу мавзу-

шўнғиш керак бўлади. Мен ҳар гал сура-ларни чизаётиб, шунга иқдор бўламанки, бу сўзлар ниҳоятда мазмундор, шу боис ҳам дилга тез сингади.

— Дарҳақиқат, шундай. Лекин уларни бу қадар тасвирлашни қандай уйдатиш?

— Биласизми, мен бу муқаддас сўзларни дастлаб қозғоғда акс эттирмаган, мураккаб жойларини эса ком-

дай обидалар илҳомлантирди.


— Билишимизча, асарларингиз дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этиб келинмоқда экан. Бундай тарғиботдан кўзланган мақсад нима?

— Бугун барча жаҳонда ўсиш-ўзгариш кузатиляпти. Шу билан бирга айрим соҳаларда тушунмовчилик, англашилмовчилик, ёки нотўғри талқин ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, диний қарашларда ҳам.

Биласиз, кейинги пайтларда диний ниқоб остида ўларнинг гаразли мақсадларини амалга ошираётганлар учрамоқда. Чунки улар дин бир қурол. Улар ўзларича зинни шир қилиб, бошқаларни алдамочки, чалғитмоқчи бўладилар... Ушбу кўргазмаларни тарғиб этишдан кўзланган мақсад, аввало, Ислам динининг гўзал тавлимотга эга эканлигига ургу бериш. Шу билан бирга ҳақиқат сўзларининг ҳақиқий маъносини кенгроқ тушунтириш. Аллоҳ гўзал, у гўзалликни ёқтиради, деган гап бор. Демак, тўғри тарғибот ҳам гўзал инсоний хислатлардан биридир.

Биз меҳмон билан хайрлашарканмиз, у кишига хайрли мақсадлар йўлидаги ишларда муваффақият тиладик. Жаноб Мамун эса ўз асарларини қизиқиш билан томоша қилганимиз учун «Сенку, вери мач!» дея ташаккур изҳор этди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



да ижод қиласиз?

— Мен асли Ислам дини бўйича мутахассисман. Буни болалигимдан оқиб ордун килардим. Шу йўлда изландим, ўқидим, ўргандим. Озми-кўпми, Ислам динига оид сабоқ олдим. Сиз кўриб турган сура-лар ана шу ўқиганларимнинг, ўрганганларимнинг тасвирдаги кўриниши. Кўриб оятларини сура- шаклида тасвирлаш осон эмас. Бунинг учун бугун вужуд ила шу ишга

пьютерда ишлайман.

— Ўзбекистон ҳақида таассуротларингиз қандай?

— Ниҳоятда гўзал! Бу гўзалликни, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларда бўлиб янада аққолроқ ҳис этдик. Самарқанддаги тарихий обидалар мени хайратландирди. Ундаги нақшларни синчиқлаб кузатсангиз, бирор бир сўз ёзилганини сезиш мумкин. Мени бун-

Кураш

Марокаш давлатининг гўзал сайёҳлик шаҳри Касабланкада ўзбек кураши бўйича IV Африка чемпионати яқунланди. Унда Марокаш, Тунис, Камерун, Жазир, ЖАР, Габон, Ангола, Буркина-Фасо, Мавритания, Конго, Нигерия, Ливия, Мали, Сенегал, Кот-д-Ивуар каби мамлакатлар полвонлари иштирок этишди.

Африка чемпионати ниҳоясига етди

Икки кунлик баҳслардан сўнг 60 килограммгача бўлган вазнда марокашлик Бадр Руан, 73 килограммгача бўлган вазнда кот-д-ивуарлик Оливер Мондоухо, 81 килограммгача бўлган вазнда жанубий африкалик Франсуа Френч голиб чиқди. Франсуа Френчнинг ватандоши Жастин Гусен 100 килограммгача бўлган, нигериялик Хабиб Амоса Аделакун эса 100 килодан оғир вазндаги полвонлар ўртасида галабага эришди.

Шуни таъкидлаш керакки, аёллар ўртасидаги баҳслар ҳам жуда шиддатли ўтди. Қизгин курашлардан сўнг сенегаллик Хортанс Дайдио (57 кг.) ва Фанта Кейта (63 кг.) ҳамда анголалик Фатима Антониа Мореира (63 кг.)дан оғир) шохсупанинг энг юқори погонидан жой олдилар.

Кураш мусобақаси давомида Африка кураш ассоциациясининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Унда Африка дэждо федерацияси президенти, Халқаро Олимпия кўмитаси аъзоси кот-д-ивуарлик генерал Лессано Паленфо Африка кураш ассоциацияси фахрий президенти этиб сайланди.

Ўз мухбиримиз.

«Нефть таъминот» ОАЖнинг

2004 йил 1 январь ҳолатига МАЪЛУМОТНОМА

Умумий чиқарилган акцияларнинг суммаси — 51484300 (эллик бир миллион тўрт юз саксон тўрт минг уч юз) сўм.
Чиқарилган акцияларнинг сони — 73549 (етмиш уч минг беш юз қирқ тўққиз) дона.
Акциянинг номинал қиймати — 700 (етти юз) сўм.

АКЦИЯЛАРНИНГ ТАРҚАТИЛИШ ТАРТИБИ

1. Давлат улуши — 1286880 сўм ёки 18384 дона акция.
2. Имтиёзли акциялар чиқарилмаган.
3. Жамоа улуши — 323800 сўм ёки 4626 дона акция.
4. Эркин сотувда — 1941520 сўм ёки 27736 дона акция.


1. Эмитентнинг қисқартирилган номи — «Нефть таъминот» ОАЖ.
2. Юридик манзили — 700052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Т.Содиқов кўчаси, 12-уй, тел.: 137-12-88, факс: 137-13-35.
3. Эмитент Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 1995 йил 19 апрелда №ОҚ320 рақам билан рўйхатдан ўтган.
4. Ташкилий-ҳуқуқий шакли — очик акционерлик жамияти.
5. Эмитентнинг ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банк ташкилоти — Ўзбекистон миллий банки, Ташқи иқтисодий фаолият бўлимининг бош ҳисоблаш маркази, 2020800000430480001, МФО 00407.

«Нефть таъминот» ОАЖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1994 йил декабрь ойининг 513-сонли реестри билан тасдиқланган. Эмитент оддий эгаси ёзилган акциялар чиқарган.

«Нефть таъминот» ОАЖнинг 2004 йил 1 январь ҳолатига баланси (минг сўм ҳисобида)

Моддалар	Актив	Пассив
Низом жамғармаси		51484
Тақсимланмаган фойда (ўтган йиллар даврида)		209604
Асосий фондлар ва номатериал активлар	642152	
Узоқ муддатли инвестициялар	5737	
Олиб сотиладиган ва товарлар захираси	209515	
Дебиторлик қарзлар	365590	
Келгуси давр харажатлари	314139	
Пул маблағлари	97651	
Кредиторлик қарзлар		732397
Кўшимча капитал		1276
Резервдаги капитал		634858
Соф фойда		5165
Жами	1634784	1634784

Кузатув кенгаши.



Пулларни қўриқламай, уйда қандай сақлаш мумкин?

Пулларни уйда хотиржам сақлаш учун уларни American Express чекларига конвертациялаш кифоя.

Сизнинг имзонингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин. Йўқотиб ёки ўғирлаб қўйсангиз, сизнинг чекларингиз эмитент томонидан тикланиши (олатда 24 соат мобайнида) мумкин.

American Express — халқаро молия корпорациясидир. У 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, ҳар бир чекни ва ҳар йили муомалада бўладиган 300 миллион чекни таъминлайди.

Оламлар узоқ вақт мобайнида пуллари уйда ёки саёҳат пайтида сақлаш учун American Express йўл чекларидан фойдаланадилар.

American Express чекларида пуллари сақлаш қўлай. Улар бутун дунёдаги миллионлаб молия ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

Ўзбекистондан ташқарига йўл чекларини олиб чиқиб кетиш чекланмаган.

Турли номиналдаги American Express йўл чекларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг энг яқиндаги бўлимидан харид қилиш мумкин.

Диққат! Америка-экспресснинг янги чеклари воситачилик ҳақисиз сотилмоқда.



American Express чеклари — ўзингизнинг нақд пуллaringиздир.
www.amex.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Кўшимча маълумотлар учун «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг.

Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09. www.nbu.com
Тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болшев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллинов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буторти 1 — 5/2. 2003 йилда тасдиқланган.

Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.

Қозғоқ бېғими А—2

Газета ИВМ компьютерда терилди ва оператор В. Файзуев томонидан саҳифаланди.

Тахририятда ҳажми 5 қотғондан ибид материаллар қабул қилинмайди.

П-Тикторат материалди

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — В. Эгамқулов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусахҳас — М. Ёқубова.

«G'ALLA-ALTEG» ОАЖ

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЎТҚАЗИЛГАН УМУМИЙ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Йиғилиш ўтказиш тури — очик.
Ўтказилган сана — 2004 йил 26 март.
Ўтказилган жойи — Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уй.

Йиғилишда қабул қилинган қарорлар:

1. ОАЖ бошқарув раисининг 2003 йил мўлдатидан оқибатдаги фаолияти тасдиқлансин.
2. 2003 йилнинг 2-ярми бўйича ҳар бир акция учун дивиденд миқдори 500 сўмдан белгилансин ва тўлаш тартиби тасдиқлансин.
3. 2004 йилга ОАЖнинг сарф-харажат ва даромадлар сметаси тасдиқлансин.
4. 2004 йилга ОАЖнинг аудитори қилиб, «Dunyo-audit» фирмаси тасдиқлансин.
5. 2003 йил натижалари бўйича кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин ва амалга оширилган ишлар қоникарли деб топилсин.
6. 2003 йил натижалари бўйича кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин ва амалга оширилган ишлар қоникарли деб топилсин.
7. Кузатув кенгашининг янги таркиби тасдиқлансин.
8. Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси 1 йил муддатга узайтирилсин.
9. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига йиллик моддий рағбатлантириш миқдори тасдиқлансин.
10. ОАЖ низоми ва ички-тартиб қоидаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар матни тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Банк тизими методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари Мавлонхон Марпатовга онаси **Ойпошшо МАРПАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Автогаз» акциядорлик компанияси корхоналари ва тадбиркорлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЁ БИРЖАСИ ВА «ЎЗБЕКНЕФТАЗ» КОМПАНИЯСИ

2004 йил 13 апрель кунини соат 11.00да **БЮЛАТИРИЛГАН ГАЗНИ**

сотиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда «Автогаз» АК корхоналарига суолтирилган газни сотиш бўйича махсус аукцион савдолари ўтказилади.

Катнашиларни рўйхатга олиш 2004 йил 13 апрель кунини соат 9.00дан 11.00гача куйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 53-«А» уй (Ўзбекистон Республикаси Мол-хомашё биржасининг Биржа маркази биноси).

Аукционда сотиладиган суолтирилган газ ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2004 йилнинг апрель ойида етказиб берилади.

Бир табоқ суолтирилган газнинг белгиланган вақти — 06 минг сўм.

Аукционда катнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Мол-хомашё биржаси номига бир ойда ишлатиладиган суолтирилган газ нархининг бир фоизи миқдоридagi гаров суммасини куйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20208000700600257010, ОПЕРУ АББ «Трастбанк», МФО 00491, ИНН 200933985.

Тўлиқ маълумотни куйидаги телефонлар орқали олиш мумкин:
139-83-78, 136-10-20.

«BAHT GUL» МЧЖ

Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилган **гуруч маҳсулотини** улгуржи нарҳда сотади.

1 кг. гуруч нархи — 235 сўм.

Телефонлар: 144-65-32, 148-14-12.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари тиббий биофизика кафедрасининг доценти, техника фанлари номзоди **Шоолим Шоджалилович ТОШПҮЛАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.